



ИМКОНИАТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИНГ ХОРЕОГРАФИК МАШЎУЛОТЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИБ, УЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ

Гоипова Сарвиноз Садиқовна

Тошкент фармацевтика институти, “Жисмоний тарбия” кафедра ўқитувчиси

Аннотация: *Мазкур мақола имконияти чекланган болалар учун ритмика ва хореография дарсларини ўтиши ўта муҳим ва долзарб муаммо эканлиги тўғрисида. Ўйлаймизки, мақолада кўтарилган муаммолар соҳа вакиллари ва педагоглари қизиқтира олади.*

Калит сўзлар: *инклюзив, ритмика, хореография, психология, гимнастика, вальс, марш, полька.*

Президентимиз таъкидлаганидек “Республикамизнинг бугунги ва эртанги тақдири ёш авлоднинг касб маҳорати, интеллектуал даражаси маънавий тараққиёт этган жисмоний соғломлигига боғлиқ”. Дарҳақиқат юртимизнинг соғлом кишилари қатори нуқсонли инсонлар ҳам жамиятда маълум жабҳада фаолият кўрсатиб, ўз ўрнини топишга ҳақлидирлар. Мақолада эшитиш қобилияти паст болаларнинг илм олишида ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиш, маънавий тарафдан уларни психологик ва руҳан кўтариш каби масалалар ҳақида тўхталмоқчимиз. Президентимиз ҳар бир фуқаронинг манфаатини ҳимоялашда унинг жинси, миллати, ёшидан қатъий назар қонун устиворлигини таъминлашни асосий омил сифатида белгилаганлар. Бугун юртимиздаги ҳар бир болага давлатимизнинг барча ҳақ -ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланадиган фуқароси сифатида қарашимизни таъкидлаб ўтмоғимиз даркор. Ҳалқ таълими вазирлиги томонидан бажарилаётган ислохотларга давлат томонидан ратификация қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция тамойиллари асос қилиб олинган. Бу: камситмаслик; яшаш ва ривожланиш; боланинг шахсий манфаати; боланинг дунёқарashi.

Мазкур тамойилларни амалда қўллаш жараёнида бу вазифанинг осон эмаслиги маълум бўлди. Масалан, имконияти чекланган болалар таълим муассасалари интернат кўринишида ва тарбияланаётган болаларнинг кўпчилиги ногирон болалардир. Халқаро ташкилотларнинг тавсияномаларида инклюзив таълимни асосий усул сифатида тадбиқ қилиш керак дейилган. Инклюзив таълим нафақат таълим борасида, балки



болаларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан тўғри ўсишини таъминлаб берувчи ягона йўл. “Таълим инсон шахсининг баркамоллигига ҳамда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларига ҳурматнинг ортиб бораверишига қаратилиши лозим”¹ дейилади БМТ Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларациясининг 26 моддасида. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияга мувофиқ, иштирокчи давлатлар ҳамкорлик руҳида профилактик соғлиқни сақлаш ҳамда норасо болаларни тиббий, психологик ва функционал даволаш соҳасидаги, шунингдек реабилитация услублари, умумтаълим ва касбий таълим борасидаги тегишли ахборот – маълумотларни алмашувига ва ундан қулай фойдаланиш учун шароит яратиш керак. Инклюзив таълим болаларни камситилишнинг ҳар қандай кўринишига йўл қўймайди. Бундай таълим барчага бир хил муносабатда бўлишни таъминлайди ва алоҳида таълим эҳтиёжи бўлган болаларга шарт – шароит яратади. Миллий қонунчилигимиз таҳлили шуни кўрсатадики, таълим соҳасидаги сиёсат тан олинган халқаро меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларга ва дунё андозаларига жавоб беради. Мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Шунинг учун давлат уларга мўлжалланган махсус дастурлар ишлаб чиқиш ташаббускори бўлади, ҳамда зарур ресурслар ажратади. “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” ги қонунда ҳар бир боланинг таълимга бўлган ҳуқуқларини кафолатлаш борасида мамлакатимизнинг аниқ ёндашуви ифодаланган. Хусусан, қонуннинг 23- моддасида ҳар бир боланинг билим олиш ҳуқуқи бепул мажбурий ўрта таълим, шунингдек ўрта махсус касб – ҳунар таълими олиши давлат томонидан кафолатланиши мустаҳкамланган. Таълим, тиббиёт. Маданий- маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ёки руҳий ривожланишда нуқсонли бўлган болалар эркин ҳаракатланиши учун мослаштирилган бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги” қонунда (янги таҳрири) ногиронларнинг таълим олиши ва касбий тайёргарлиги қонун устиворлиги билан мустаҳкамланган.

Халқ таълими вазирлиги томонидан махсус таълимда ўқитишнинг инклюзив ва интеграциялашган таълим асосида олиб борилиши таълим сиёсатидаги асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Таълимда инклюзив таълимга ёндашиш нафақат педагогик балки психологик жиҳатдан қулай, давлат учун ҳам арзон ва самарали ҳисобланади. Шу билан бирга



давлатимиз имконияти чекланган болаларга таълим – тарбия берибгина қолмай, балки рақс, ритмика, қўл меҳнати, ашула, тикиш каби предметлардан қўшимча дарс ўтилади. Имконияти чекланган болаларнинг таълим олишида ниҳоятда эътиборли бўлиш керак, чунки уларнинг кўпчилиги кам таъминланган оилаларда вояга етганлар ҳисобланади. Инклюзив таълим –бу имконияти чекланган болаларни зарурий воситалар билан соғлом болалар учун амалга оширувчи таълим дастурлари, шартлари, тадбирларига жалб этишдир. Шундагина имконияти чекланган болалар жамият ҳаётида фаол иштирок этади.

Имконияти чекланган болаларни интернат – мактабларда қўшимча таълим турлари билан шуғулланиши соғлиғи, психодинамикасига, илм олишга қизиқишига таъсир қилади. Мақоламизнинг бош вазифаси ҳам шуки, республикамиздаги имконияти чекланган болалар учун мўлжалланган мактаб – интернатларда ритмика ва рақс фанларини дастурлари ва қўлланмаларини ишлаб чиқиш, ўқитувчи кадрлар етиштириш ва салоҳиятини ошириш. Мақолада эшитиши заиф бўлган болаларда ритмика ва рақс дарсларини ўтилишининг муҳимлиги ва зарурлиги ва шу соҳада таълим вазирлиги ва олий таълим вазирлиги учун таклифларимиз баён қилинган².

Рақс, ритмика билан шуғулланиш организм учун спорт юкламасини беради. Ритмик ва хореографик ҳаракатлар болалар соғлиғи, психологияси, тенгдошлари, синфдошлари орасида мулоқотни яхшилайдди. Бу мураккаб жараёнда мусиқага катта ўрин берилади, яъни мусиқа орқали болалар ҳис-туйғуларини изҳор этадилар. Ритмика дарслари рақс ўрганишнинг бошланғич қадами ҳисобланади. Ритмика мусиқа жўрнавозлигида турли ҳаракатлар бажарилади. Ритмика билан шуғулланиш ногирон болаларда абжирлик, чаққонликни ривожлантиради. Ритмика имконияти чекланган болаларда гавда номутаносиблиги, таранглиги, сиққиқликни бартараф этади. Болалар баданини тушунишни ўрганадилар. Ритмика дарсларини ўйин тарзида ўтиши, болаларнинг дарсга қизиқишини орттиради. Топшириқлар дидактик принцип асосида берилади. Яъни оддийдан мураккабгача, енгилдан қийингача. Ритмика дарсларининг дастурлари эртак ёки болалар ҳикояси, шеърлар асосида тузилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ўқитувчи ритмика дарсларида нималарга эътибор бериши керак ва ритмика дарсларининг вазифаси нималардан иборат: 1. Болани ўзини англаш, ижодий имкониятларини очиш. 2. Билиш жараёнларини, илм олишга



талпиниш. 3. Шахслараро мулоқотни фаоллаштирмоқ, жамоа билан ҳамкорлик қила билиш.

Ритмика дарслари болага завқ бағишлаши керак. Бола дарсга кирар экан, сеҳрли эртақ оламида бўлиб қолиши керак. Айиқполвон қадам ташлаши, қуёнча сакраши, от юришига ўхшаб қадам ташлаши боланинг тасаввурини ривожлантиради. Дарс бошланишдан аввал бола баданини қиздириб олиб, кейин ритмик машқларни бажаришга киришади. Яъни бу қиздириш машқларини хореография тилида “партер гимнастикаси” деб аталади. “Партер гимнастикасини” бошдан охиригача полда бажарилади. “Мостик”, “ шпагат”, “ шағам” машқлари қадимги йога гимнастикаси элементидан олинган. Ритмика дарсида баъзи бир машқларни бажаришда лента, копток, арқон ва бошқа предметлардан фойдаланилади. Дарсда муסיқавий ритмларни тўғри англаш учун муסיқавий ўлчамларни ҳисоблаб, чапак ва оёқ зарбларидан фойдаланиб кўрсатиб берилади. 4\4; 3\4; 2\4 оддий муסיқа ўлчамларни англаб, полька, вальс ва марш жанрларини фарқлай олиши керак.

Хореография дарсларида болалар станокни амалий ва назарий жиҳатдан бажариши лозим. Классик станок машқларини бажариш, бола гавдасининг мушак ва суякларини тўғри ўсишини таъминлайди. Ўқитувчи болалар билан дарс давомида рақс, санъат ҳақида суҳбат, мунозаралар ўтказиб туриши керак. Хореография рақс дастурига миллий ўзбек рақсларини ўрганишни киритиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ўзбек рақс кўл, оёқ ҳолатлари, турли мактаблари ҳаракатларини ўрганиш ўз Ватанига муҳаббат, ғурур, ифтихор ҳиссиётларини уйғотади.

Имконияти чекланган болаларнинг рақсга ўргатилиши уларнинг соғлиғи, хотираси, психикасига ижобий таъсир этиб, бир неча муаммоларни ечади. Булар; Имконияти чекланган болалар рақс турлари, рақс костюмлари билан танишиб боради. Рақс дарслари уларни дадил бўлишга, турли бадан тарангликлардан халос этади. Рақс давомида маълум бир ҳолатларни бошдан кечиради ва актёрлик маҳоратини тарбиялайди. Имконияти чекланган болаларда диққат, хотира, тафаккурни, тасаввурни ривожлантиради. Шахслараро мулоқотни шакллантиради.

Имконияти чекланган болаларни ритмика ва рақс билан мунтазам равишда шуғулланиши ижобий натижаларга олиб келади. Яъни болаларда жисмоний ва руҳий сиқикликни бартараф этади. Буни биз боланинг психодинамикасида, ижодий фаоллигида ўзгариш сезамиз. Болаларнинг мактаб тадбирларида, фестивалларда, концертларда рақс номерлари билан



қатнашиши завқ, ўз меҳнати учун ифтихор ҳиссини уйғотади. Улар ҳаётда дадил, қўрқмас бўлишга ўрганадилар.

Ҳурматли Президентимиз кадрлар масаласига жиддий равишда катта масъулият билан эътибор бeryптилар. Имконияти чекланган болалар мактаб – интернатларида меҳнат қилаётган педагоглар юксак маънавиятли, касбининг устаси, болаларни севадиган шахс бўлиши лозим. Ногирон болалар билан ишлаш педагогдан катта педагогик маҳоратни, масъулиятни, сабрни талаб этилади. Ҳозирги кунга келиб имконияти чекланган болалар мактаб – интернатларида ритмика ва рақс фанларидан дарс берадиган ўқитувчи кадрларни етишмовчилиги сезиляпти. Бизнинг таклифимиз шуки: Ўзбекистон давлат хореография академияси қошида имконияти чекланган болалар билан ишлайдиган ўқитувчиларни тайёрлайдиган бўлим (ёки кафедра) очилиши ва шу бўлимнинг ўзида психология, сурдопедагогика, ногиронлар психологияси каби фанлар ўқитилиши керак. Аксар кўпгина интернат – мактабларда ритмика ва рақс фанларидан ўқув – методик қўлланма, дастурлар мавжуд эмас. Шунинг учун соҳа педагоглари билан бамаслаҳат ритмика ва рақс фанларидан ўқув қўлланма ва дастур ишлаб чиқилиши зарур ва буни қисқа вақт ичида бажариш лозим.

АДАБИЁТЛАР:

1. MAMIROVA, D. (2019). ASSOCIATION OF PHYSICAL PREPAREDNESS AND ACTOR MASTERY IN A SINGLE APPROACH DURING FUTURE SPECIALISTS TRAINING. *Culture and Arts of Central Asia*, 9(1), 68-72.

2. Mamirova, D. T. (2019). INFLUENCE OF EASTERN HERITAGE ON THE FORMATION OF PERSONAL DEVELOPMENT. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(6), 430-433.

3. Мамирова, Д. Т. (2019). Основы организации и управления массовыми видами спорта в системе непрерывного образования. *Ученые записки университета им. ПФ Лесгафта*, (7 (173)), 113-117.

4. Мамирова, Д. Т. (2021). Физиологические изменения в организме при физических нагрузках и средства восстановления. *Международный инженерный журнал исследований и разработок*, 6(1).

5. Mamirova, D. T. (2019). SOCIAL FACTORS AND MOTIVATION AS A WAY OF INCREASING ATTRACTING STUDENT YOUTH TO REGULAR ACTIVITIES BY PHYSICAL CULTURE AND MASS SPORTS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*, 1(4), 370-375.



6. Мамирова, Д. Т. (2021). Национальная методология управления спортивно-массовыми мероприятиями. *Universum: филология и искусствоведение*, (1 (79)), 4-6.

7. Мамирова, Д. Т. (2022). ПРИЧИНЫ ПЕРНАПРЯЖЕНИЯ ФУНКЦИОНАЛЬНОГО СОСТОЯНИЯ У ЗАНИМАЮЩИХСЯ СПОРТОМ ЛЮДЕЙ И МЕТОДЫ РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМЫ. *Journal of new century innovations*, 10(3), 103-108.

8. Мамирова Д. Т. (2021). СОВРЕМЕННЫЙ ПОДХОД ПЛАНИРОВАНИЕ УЧЕБНОГО ЗАНЯТИЯ ПО ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЕ И СПОРТУ. Академические исследования в области педагогических наук, 2 (10), 867-870.

9. Mamirova, D. T., Abraykulova, N. E., Fazlieva, Z. K., Zokirova, S. M., & Jumaev, S. S. (2022). The Manifestation Of Creative Potential By Integrating Physical Culture And Departments Of The Youth Movement In Uzbekistan. *Journal of Positive School Psychology*, 6(7), 5221-5228.

10. Tavakulovna, M. D., Erkinovna, A. N., Kamarbekovna, F. Z., Muratovna, Z. S., & Saidovich, J. S. (2022). Physical education and “union of youth” as an application of creative potential in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 12(6), 430-439.

11. Tavakulovna, M. D., & Kamarbekovna, F. Z. (2021). THE ROLE OF PHYSICAL CULTURE IN PROFESSIONAL APPLIED TRAINING IN THE UNIVERSITIES OF ARTS AND CULTURE. *International Engineering Journal For Research & Development*, 6(1), 6-6.

12. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022). METHODOLOGY FOR CARRYING OUT THE EDUCATIONAL PROCESS IN PHYSICAL EDUCATION AND SPORT. *Galaxy International Interdisciplinary Research Journal*, 10(3), 457-459.

13. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022). OECD Principles of Corporate Governance and Well Organized Corporate Governance in Liverpool FC. *Spanish Journal of Innovation and Integrity*, 4, 55-58.

14. Tavakulovna, M. D., & Shamshidinovna, N. A. (2022, March). USE OF MULTIMEDIA IN THE TRAINING PROCESS OF YOUNG GRECO-ROMAN WRESTLERS. In *Archive of Conferences* (pp. 32-37).